



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

... Бундан кейин ҳам "тўртинчи хокимият" вакилларининг эркин ва холис фаолият юртишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очик-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз.

Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамisha ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqib boshlagan \* Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru \* www.uzhurriyat.uz \* 2020-yil 19-fevral, chorshanba \* № 8 (1172)

## ТАҲЛИЛ МАЙДОНИ КЕРАК...МИ?



Қолаверса, жаҳон матбуот тарихи оддий бир ҳақиқатни тасдиқлаган: оммавий ахборот воситалари мамлакат тараққиётида темир йўл ёки кон саноатидан кам фойда келтирмайди! Жамият аъзоларининг маънавий камолоти нечоғли зарур бўлса, бу соҳага ҳам шунча эҳтиж бор.

⇒ 4-бет

## ШАРҚОНА ОДОБ, ҒАРБОНА КУЛГИ...



Аслини олганда, кулдириш учун шундай тушунарси ва тузси қилиқлар кўрсатиш шартми? Майли, қизиқчилик тиркичилик экан, буни чин дилдан, меҳнат ортидан, изланиб, удалаш мумкин-ку?! Пул топишнинг бошқа йўли кўп-ку?! Айнан халқ маънавияти билан ҳазиллашишнинг нима кереги бор?!

⇒ 5-бет

## ҲАМЗАНИНГ ГУППИ ЧОПОНИ



...Шоҳмардонга кираверишда бир туп садақайрағоч бор. Чап томонга қайрилсангиз мўъжазгина болохонали ҳовли олдида чиқасиз. Икки табақали кўҳна кўча эшигини тақиллатсангиз сизни кексалигидан қадди букчайиб қолган бўлса ҳам ҳали тетик нуроний кампир кутуби олади...

⇒ 8-бет

## Ўзбекистон Президенти Венгрия делегациясини қабул қилди

18 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун амалий таширф билан мамлакатимизда бўлиб турган Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатлари охириги йилларда изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Петер Сийярто самимий қабул учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий, жумладан, Европа Иттифоқи билан мулоқот форматдаги шерикликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намоянаси, тарихчи, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, Бобурийлар сулоласи асосчиси Захриддин Муҳаммад Бобур таваллудига 537 йил тўлиши муносабати билан «Яхши киши кўрмағай ёмонлиғ ҳаргиз» деб номланган адабий-маърифий кеча ташкил этилди.

Тадбирда ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар, жамоат арбоблари, санъатшунослар, адабиёт ихлосмандлари, ҳарбий хизматчилар, талаба-ёшлар, ёш ижодкорлар иштирок этди.

## ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари, сенатор Дилфуза Уралова вилоятнинг Бойвут туманига ҳоким этиб тасдиқланди.

Халқ депутатлари Бойвут тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокимининг қарорига биноан унинг номзоди бир овоздан маъқулланди.

Дилфуза Уралова айна вақтда юртимиздаги ягона аёл ҳокимдир.



Ўзбекистонда бир кунда 10 та ОТМда раҳбар ўзгарди.

Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат стоматология институти, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Қўқон давлат педагогика институти ректорлари лавозимидан озод этилди.



Пойтахтимизда очилган янги, замонавий "Элга хизмат" дорихоналари аҳолини юқори сифатли, зарур дори-дармонлар билан таъминлашни мақсад қилган.

Дорихона ўз номидан келиб чиқиб, мижоз саломатлиги йўлида хизмат қилади, уларга арзон нархлардаги дориларни тақдим этади. Энди ўрта миқдорда иш ҳақи оладиган аҳоли қатлами ҳам ҳамёнбоп нархларда дори-дармон сотиб олиши мумкин. Дорихонага маҳаллий ва хорижий дори ишлаб чиқарувчилардан барча турдаги дори воситалари келтирилган.



Қорача тоғидаги ноёб моддий-маънавий бойликлар бир неча минг йиллик тарихга эга. У билан боғлиқ воқеалар тарихи эса энди бошланмоқда...

Пойриқ туманининг Аламли қишлоғи тоғадирлар орасида жойлашган, Нурота тоғ тизмаларига кирувчи бу ҳудуддаги тоғни айримлар «Қорача», айримлар «Қароқчи тоғи» дейишади.

Бу Самарқанд вилояти ҳудудида кузатишган биргина ҳолат эмас. Ўтган йили Жомбой туманида ҳам теурийлар даврига оид дея тахмин қилинган тангалар топилгани ҳақида хабар берилганди. Аммо кишини ўйлантирадиган жиҳат шуки, нега бизнинг олимларимиз ижобий маънода саргузашт талаб эмас? Нега бундай объектлар тезлик билан илм эгаларини жалб қилмайди, ўша ҳудудларда ўрганишлар олиб борилмади, муҳофаза қилинмайди?



Ўз мухбиримиз.

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

# Ўзбек журналистикаси антологияси яратилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги "Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва ушбу ҳужжатга илова қилинган "2019-2021 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш бўйича комплекс дастурнинг 22-банди (Ўзбекистон миллий журналистикаси ривожланиш тарихи антологиясини яратиш, унга ривожланишининг муҳим

боسقичлари, мамлакатнинг машҳур олимлари ва журналистларининг медиа-соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақидаги мақолаларини киритиш) ижросини таъминлаш бўйича Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистикасининг ривожланиш тарихи ва бугунги тараққиётига оид антологияни яратиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда миллий журналистика соҳасининг таниқли олимлари, тадқиқотчилари ва журналистлар иштирок этди.

Йиғилишда антологияни яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, олим ва мутахассислар ўртасида ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Журналистика тарихи даврлари бўйича гуруҳлар ва уларнинг раҳбарлари тайинланиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Антология аввал электрон шаклда тайёрланади ва Журналистлар ижодий уюшмаси сайтига жойлаштирилади. Кейин эса китоб шаклида чоп этилади.

Антология соҳа ходимлари, мутахассислар, журналист-кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртли ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланади.

Йиғилишни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов очиб, юртимизда кейинги йилларда журналистика соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

— Ўзбек журналистикаси кеча пайдо бўлгани йўқ ва у сермазмун, биз гурурланасак арзийдиган тарихга эга, деди у. — Бу тарихни тадиқ этиш, ҳар бир даврнинг энг яхши асарларини келгуси авлодларга ет-

казиш бурчимиз. Тўғри, журналистика бўйича кўп китоблар чоп этилди, дарслик ва қўлланмалар яратилди. Буларни эътироф этган ҳолда, шу вақтга қадар Ўзбек журналистикаси антологиясига қўл урилмаганлигини ҳам тан олиш лозим.

## МАКТУБ

# Пок ниятлар, хайрли ишлар ижобати

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, халқ артисти Озодбек НАЗАРБЕКОВга



Ҳурматли Озодбек Аҳмадович!

Сизни аввало Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири этиб тайинланганингиз билан самимий табриклайман. Бу шарафли лавозимга ҳар жиҳатдан лойиқсиз. Соҳани яхши биласиз. Ипидан-игнасигача десам, асло муболага бўлмайди. Чунки, кўп йиллардан буён вазирнинг ўринбосари, биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаб катта тажрибага эга бўлдингиз. Сизга кўпроқ давлат одами, соҳанинг асосий раҳбари сифатида мурожаат қиляпман. Айна пайтда халқимизнинг сеvimли ва ардоқли санъаткори сифатида ҳам.

Мен салкам 40 йилдан буён матбуотда санъат ва маданият журналистикаси бўйича фаолият юритиб келаётганим боис, тил учида турган айрим мулоҳазаларимни айтишни лозим топдим. Бунга озгина бўлсаям маънавий ҳаққим бор, деб ўйладим. Қолаверса, бу дадилликка Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳам ундади.

Мурожаатномада шундай ибратли сўзлар бор: "Шарқ донишмандлари айтганидек: "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашоқлик — бу билимсизликдир!"

## ШУНДАЙ ДЕДИ



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Русланбек ДАВЛЕТОВ:



Худудий вакиллик органларидаги шижоат биз кутгандек бўлмапти. Депутат деганда халқимиз битта нарсани тушунади. Регламентдаги нарсаларни тушунмайди. Депутатми, халқ ундан талаб қилади. Бу — тўғри.

АНЖУМАН

Эдуард Стипрауз:

“Мамлакатингизда инқилобий ўзгаришлар юз бермоқда”

Куни кеча Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишининг янги босқичи, мамлакатни демократик модернизациялашда парламент ва ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамда Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Танзила Нарбаева:

— Давлатимиз халқимиз билан биргаликда қўри иқтисодиётга, етук ва ҳар томонлама фуқаролик жамиятига эга Янги Ўзбекистонни шакллантиришда сезиларли амалий ишлар олиб бораётгани. Ҳаммамизга маълумки, кейинги уч йилда эришган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Бугунги халқаро анжумани ўтказишдан мақсадимиз битта, у ҳам бўлса халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда ошқоралик, очиқлик йўлидан бориб, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маънавий-ҳуқуқий ҳаётга кўнглини ҳосил қилиш, келажақда биз биргаликда қурадиган қудратли давлат биносини мустаҳкам барпо этишдир.

лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координатори:

— Мен ЕХХТ номидан сўзга чиққан-нимдан хурсандман. Президентининг Олий Мажлисидаги Мурожаатномаси тарихий воқеа бўлди. Эндиги гап уни амалга оширишда қолди. ЕХХТ ҳар доимгидек яна яқиндан ёрдам беришга тайёр.

Сенаторларнинг халқ билан яқин мулоқотда бўлишида маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда, 6570 нафар маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун тегишли ўқув курслари ташкил қилинди, ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар белгилаб олинган анжуманда айтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияни бартараф этишда назорат органини ташкил этиш тўғрисида айтган фикрлари мамлакатда барқарорликни тақомиллаштиришда ҳамда хорижлик ҳамкорлар билан эркин мулоқот олиб боришда алоҳида ўрин тутди. Анжуманда Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббусларини амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш масаласи муҳокама қилинди.

Эдуард Стипрауз, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги доимий элчиси:

— Мамлакатингизда инқилобий

ўзгаришлар юз бермоқда. Ички ва ташқи сиёсатнинг очиқлиги, ўзаро ҳамкорлик қилишида муҳимдир. Албатта, одамлар депутатни келажақда манфаати тегсин деб сайлайди. Авваллари қозоғга муҳр босиш орқали иш бажарилса, эндиликда ўқиб, ўрганиб, муҳокама қилиниб қозоғга муҳр қўйилаётгани, халқ турмушида, адолатли қадам бўлди. Олдинга сиқилгани кўраямиз. Биз 2020 йил учун бюджетни қабул қилишга эътибор қаратдик, Қонунчилик палатасида муҳокама қилинган эътиборимизни тортди. Энди бемалол биргаликда амалга оширолган бўлган лойиҳамизга маблағ ажратасан бўлади.

Шунингдек, анжуманда БМТ Барқарор тараққиёт дастурлари ижросини таъминлаш жараёнида парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ролини ошириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни аниқлаш каби мавзуларда сўз юритилди. Таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги устувор вазифаларни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш, фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Юсуф ЖўРАЕВ.

ГУРУП

“Бошқалар тарафидан ҳуқуқининг топталмови, четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушини эшитдириб эшитмоққа мажбур этувга шубҳа йўқим, қўлингизда қуролингизга, аскарлик кучингизга қараб бўлув.

Кўрамизким Оврупо, Омриқо миллатлари бунчалиқ шаён-шавкатни фақат ҳарбий куч ила қозонишлардир. Оврупо, Омриқо империалистлари Шарқ халқини фақат қурол кучи ила ўзларига асир этмишлар ва ҳали ҳам ҳарбий куч ила Шарқ мазлумларини занжирда тутарлар”, деб ёздаи Абдулла Қодирий “Иштирокинон” газетасининг 1919 йил, 4 ноябрдаги сонидаги “Бизда аскарлик масаласи” номли мақоласида.

Ватанни сев, тупроғини ўп!

“Зарафшон” газетасининг 1923 йил 21 июндаги сонида Ҳожи Муин эса “Аскарлик тўғрисида” номли мақоласида шундай дейди:

“Аскарлик миллат жонсиз гавда ҳукмидадир. Ўзининг ерлик халқидан аскар бўлмаган бир юрт қўриқчиси бир истеҳком кабидир. Аскарлик бир миллатнинг ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилиш учун зўр рўллар ўйнайдурган бир кучдир. Ҳар бир енгил ва енгиланиб босиб аскардир”.

Миллатимизнинг ўша даврдаги оғриқли, ҳаёт-мамот масаласи — ўз армиямизга эга бўлиш орусини қизил империянинг зулм машинаси бир кур таслим этганди...

Ҳайриятки, мустақилликка эришдик. Истиқлол йилларида миллий армиямиз тугал шаклланди. Сарҳадларимизни муносиб ҳимоя қила оладиган забардаст тизимга эга бўлдик. Замонавий ҳарбий техника воситалари билан таъминланди. Мунтазам армия ватанимиз ва халқимиз оёсийталигини сақламоқда.

Шу билан биргаликда, дунё қуролли кучлари сафида илгорлар қаторига чиқа олдик. Эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз.

Утган йилда 10 та давлат ҳудудида умумий ҳисобда ўтказилган 32 та танловда 39 та давлатдан 223 та жамоа ва 5 миңдан кўпроқ ҳарбийлар иштирок этди.

Ўзбекистонлик ҳарбийлар 14 та танловда иштирок этишиб, 2 та олтин, 4 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритишди. Эътибор беринг, 14 та танловнинг 11 тасида ҳамюртларимиз ғолиблар қаторида эътироф этилди. Албатта, бу миллий юксалиш мевалари.

Абу Наср Форобий “Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар — фазилатли шаҳардир, бахт



га эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси — фазилатли жамоадир”, дейди. Фазилатли мамлакат, фазилатли халққа айланамиз десак, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари деган бош ғоя атрофида бирлашишимиз лозим.

Нуқсудаги 45-сонли умумтаълим мактабидаги жасорат дари ҳақидаги хабарни ўқидим. “...эгниларига ҳарбий аслаҳа ва қурол тақдан мотуқчи, юзига ниқоб тақдан мерган аскар тадбир сўнгига қадр ёшларнинг диққатида бўлди. Охири йигитлар қизиқишларини ошқор этишди: ҳарбий қурол ва аслаҳаларни ушлаб қўришга, уларни кийишга рухсат сўрашди. Уларнинг илтимоси ерда қолмади”.

“Мактаб ҳудудида олий ҳарбий таълим муассасаси фахрий қорувули ва курсантларнинг қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлари намоийш этилганда кўзларда ҳайрат ва ҳавас ўтлари чакнади”, деб ёзилган Олмалиқдаги мактаблардан биринида ўтказилган тадбир ҳақида. Ҳўш, қалбдаги ўт, кўзлардаги

ҳайратга сабаб нима? Мен буни Ватан номли гўзал боғда кўрган ажиб ниҳол — ватанпарварлик, деган бўлардим. Тадбирларда ҳарбий қуролни ушлаб ёки каскани кийиб расмга тушаётган, танк ёки зирхли техника ичига кириб, устига чиқиб, селфи қилаётган ўсмирга эътибор қаратинг. Унинг фикрлаши, қизиқишидан келиб чиқиб, ватанпарварлик сабогини ўрганиш керак. Президентимиз айтган бу ниҳолни авайлаб ўстириш учун уларда миллий руҳни шакллантириш лозим.

Давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, келажақда ҳарбий бўлишдан орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдирини ўқунгиз керак. Президентимиз айтган бу ниҳолни авайлаб ўстириш учун уларда миллий руҳни шакллантириш лозим.

Алижон САФАРОВ, захирдаги полковник.

ТАДБИР



Мактабгача таълим вазирлиги ташаббуси билан Президентимизнинг 2020 йил 30 январдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Кўшимча 31,7 миңг бола қамраб олинади

Тадбирда вазирлик томонидан шу кунгача нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини (МТТ) ташкил этиш учун 1412 та битимлар имзоланган бўлса, шундан 992 та лойиҳага 1 732 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 6084 оилавий шаклдаги МТТ ҳам ўз фаолиятини бошлаганиги маълум қилинди.

дан тадбиркорларга қўлай имкониятлар яратилган, хусусан, айнан шу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлар 10 йилгача солиқлардан озод этилган бўлиб, МТТларда сарфланаётган электр энергия ва газ харажатларининг 50 фоизи давлат томонидан қўлла-нади. Утган йилда давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларидан 200,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағи жалб қилинди.

Наргиза БОБОМУРДОВА, “Hurriyat” мухбири.

ТАЪЛИМ

Талаба қачон ўқиш-ўзлаштиришга қизиқмайди?

Коррупция — замонавий жамиятнинг глобал ҳамда кўхна муаммоси бўлиб, дунёнинг барча давлатларида у ёки бу кўринишда мавжуд. Ушбу салбий иллат фақат юридик аҳамият касб этмасдан, ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий оқибатларни ҳам юзага келтиради. Шунинг учун коррупцияга қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш ҳар бир давлатнинг устувор вазифаси эканлиги айни ҳақиқат.

Мазкур иллатнинг олдини олишда таълим — энг кучли қурол эканлиги исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир.

Шу ўринда савол туғилади, таълим соҳасида коррупцияни йўқотиш мумкинми? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Тошкент давлат юридик университетининг Жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси профессори, юридик фанлари доктори Гулчехра Тўлаганова билан суҳбатлашдик.

— Президентимизнинг коррупцияга қаратилган танқидий сўзлари амалда натижа бераётган бўлса-да, бу иллат олий таълим тизимида ҳамон сақланиб қолмоқда. Бунга асосий сабаб нима деб ўйлайсиз?

— Тан олиш керакики, бугунги кунда таълим соҳасини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тахсинга лойиқ. Мамлакатимизда халқаро стандартлар талабларига мос равишда олий таълим даргоҳларига қабул жараёнларининг шаффофлиги эришиш, таълимдаги коррупция ва порахўрликнинг олдини олишга астойдил киришилди. Лекин баъзи талабаларда ҳамон билим олишга интилишнинг йўқлиги, дангасалик ҳамда берилган вазифаларни бажармасдан, уни моддий томондан ҳал қилишга, ўз муаммосини эгри йўллар билан ечишга уриниш коррупцион ҳолатларнинг сақланиб қолишига олиб келмоқда.

— Коррупцияга йўл қўймаслик учун қандай амалий ишларга ўтиш керак, деб ўйлайсиз?

— Олий таълим тизимидаги коррупция билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, аввало, муаммонинг илдизига назар солиш керак, деб ўйлайман. Масалан, иш берувчи билан оқини, лекин дипломли ходим нима учун керак? Аксарият ташкилотларда ҳанузгача ошна-оғиниғарчилик, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчи асосида

ишга қабул қилиш ҳолатлари сақланиб қоляпти. Айрим ташкилотларга ишга қабул қилиш жараёнида ходимнинг билими эмас, унинг дипломи, қандай раҳбарга алоқадорлиги эътиборга олинапти. Қачонки, жамиятимиздаги инсонлар онгиде, энг муҳими, дипломнинг мавжудлиги эмас, балки билим ва кўникмаларга эга эканлиги, яъни “асосийси салоҳиятли кадр” ғоясининг устуворлигини таъминлашга эришсак, кадрлар танлашда ходимнинг қимлиги эмас, унинг билим даражаси асосий мезон қилиб олинса, коррупцияга қарши курашда олдинга жиддий қадам ташланган бўлади.

Айнан юқоридаги салбий факторларнинг мавжудлиги таълим тизимидаги коррупциянинг сақланиб қолишига замин яратди. Қолаверса, ушбу жиноятга йўл қўймаслик учун таълим жараёнида жамоатчилик назорати институтлари фаол ишлаши лозим. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш зарур.

— Жанубий Африка Республикасидаги бир университет пештоқида ишундай сўзлар ёзиб қўйилган экан: “Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга таъсир қиладиган ракетага ҳожат йўқ.

Фақат таълим сифати пасайтирилса ва имтиҳонларда талабаларга алдов учун имконият яратилса, бас!”. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Ҳақиқатан таълим сифатининг пасайиши, иқтидорли ёшлар ўрнига тасодифий кадрларнинг соҳага кириб келиши, миллат таназзулига олиб келади. Унинг ҳар қандай бомбадан хавфли эканлиги исбот талаб қилмайди. Шу жиҳатдан, таълимда коррупцияга қарши курашишда муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилиши керак. Мазкур соҳада коррупцияга қарши курашда кенг жамоатчиликни жалб этиш ўз самараларини беради, деб ҳисоблайман.

— Нима деб ўйлайсиз, ўқитувчиларнинг ойлуги сўнги икки йилда кетма-кет оширилгани таълимдаги коррупцияни қамайтиришга хизмат қилмоқдами?

— Албатта, ўқитувчи, шифокор ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори рўзгор харажатига муносиб бўлса ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни ноқонуний пора олишга мажбур қилмаслиги аниқ. Натижаларга қарайдиган бўлсак, маошлар оширилганлиги натижасида коррупция ҳолатлари олдинги йилларга қараганда сезиларли даражада қамайди. Шунингдек, ҳозирда педагог-ҳодимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришлар берилмапти. Буларнинг бари коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлардир.

Шу йилдан бошлаб олий таълим муассасаларини босқичма-босқич, ўзини-ўзи молиялаштириш тизими жорий қилинмоқда. Олий таълим муассасалари мустақил бўлган куйидаги ҳуқуқларга эга бўлади: ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантириш ва бошқа турлари миқдорини мустақил белгилайди. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизими янада адолатли тартибга олинади.

Биламизки, Кэмбридж, Оксфорд каби нуфузли университетлар пойтахтдан бошқа округларда жойлашган. Пойтахтда

Феруза РАҲИМОВА суҳбатлашди.







# Оммабоп ва ҳаммабоп хизматлар

бунда сизга Халқ банкининг янги хизматлари қўл келади



Режалаштирилган иш амалда кимгадир нафи тегса, жамият ривожига ҳисса қўша, яъни ижтимоий аҳамияти юқори бўлса барча учун фойдали бўлади. Шу маънода, сўнгги вақтларда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан мижозлар ҳамда аҳоли манфаатини ўйлаб ишлаб чиқилган янги хизматларнинг тобора оммалашиб бораётгани диққатга сазовор.

## Пулнинг ҳаракатсиз қўлайлигини хоҳлайсизми?

Зеро, банк томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётган ҳар бир янги хизмат аниқ мақсадни кўзлаган. Улар оддий, лекин кундалик эҳтиёжлар учун ниҳоятда зарур. Айтилик, сиз замонавий маъиший техника харид қилмоқчисиз, таъинингиз тўй ёки бошқа маросим ўтказмоқчи, яна кимингиздир узоқ йиллардан бўён машина ёхуд ўй сотиб олишни ният қилиб юрибди-ю маблагдан қийналиб турибди. Халқ банкининг янги хизматлари худди шундай вазиятларда ёрдам бера олади, дея бемалол айта оламиз. Чунки улар, юқорида таъкидлаганимиздек, барча учун қўлай шартларда тақдим этилади. Масалан, "Пенсия овердрафт картаси" хизматини олайлик. Ушбу карта пенсия олувчининг хоҳишига кўра, 5 йил муддатга бепул очиб берилади ва унинг эгаси зарурат бўлганда, навбатдаги пенсияси келгунча банкнинг "овердрафт" кредитидан фойдаланган ҳолда пенсиясининг 50 фоизи миқдоридagi пулни олдиндан олиб туриши мумкин. Кредит 12 ой муддатга, ойига 1,6 фоиз миқдорда устама билан тақдим этилади. Эътиборлиси, фоизни фақат ишлатган сума учун тўлайсиз, холос. Яъни, агар, сизнинг пенсиянгиз бир миллион сўм бўлса ва ушбу хизмат ёрдамида 500 минг сўм кредит олгансиз, Бироқ унинг 250 минг сўмини сарфлагансиз. Шунда сиз фақат 250 минг сўм учун устама тўлайсиз. Қолган маблаг пластик картангизда тураверлади.

Бундан ташқари, "Пенсия овердрафт карта" орқали барча турдаги тўловларни тўлаш, нақд пул ечиб олишингиз ҳам мумкин. Нақд пулни Халқ банки кассалари ёки банкоматлардан ечсангиз, ҳеч қандай фоиз ундирилмайди. Яна бир эътиборга молик жиҳати, "Пенсия овердрафт карта"сидаги қолдиқ маблағларга йиллик 8 фоиз миқдорда даромад қўшилади. Демак, пулнинг ҳеч қандай ҳаракатсиз қўлайлиги боради.

Хўш, бунинг ижтимоий аҳамияти нимада? Мазкур хизмат тўфайли, аввало,

Хизматлар лицензияланган.

кексаларимиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Улар учун зарур нарсалар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки дори-дармон сотиб олади. Соғлигини тиклайди. Моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмайди.

Ҳозирги кунгача банк томонидан 343 мингдан ортиқ мижозга "Пенсия овердрафт картаси" очиб берилган. Шундай экан, сиз ҳам банкнинг ушбу хизматидан фойдаланинг! Афсусланмайсиз, аксинча, манфаат топасиз.

## Қарз олишга, пул жамғаришга ҳоҳлат қолмади

"Режали тўлов кобрендинг картаси" эса эгасига банк томонидан белгиланган қарз маблағлари доирасида ҳамкор ташкилотлардан истеъмол товарлари сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Муҳим томони, қарз маблағлари банкка фоизсиз, тўлов графигига асосан тўлаб борилади. Қарз мижознинг иш ҳақидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробарига-ча 1 йил муддатга берилади. Бу орқали ҳам рўзгор кам-кўстини тўлдириб оласиз, ҳам маъиший техника сотиб олиш учун узоқ муддат пул жамғариб юрмайсиз. Олинган қарзини бўлиб-бўлиб қайтарасиз. Бунда ҳам сарфланмаган маблаг учун, ҳеч қандай фоиз тўланмайди.

Банкнинг "Кредит карта" хизматидан фойдаланувчиларга ҳам бир қатор қўлайликлар тақдим этилмоқда. Хусусан, мазкур карта эгалари банк томонидан белгиланган кредит лимит (10 млн. сўм) доирасидаги маблаглардан имтиёзли давр (давр 30 кун)да фоизсиз фойдаланади. Имтиёзли даврда кредит суммаси тўлиқ қайтарилмаганда, кредит маблагларидан фойдаланган давр учун йиллик 36 фоиз миқдорда фоиз ундирилади. Кредит карта 5 йил муддатга очик кредит линияси билан берилади. Бу қўйилмаган харажатлар учун, айниқса, жуда асоқтда. Ойлик маошни қўтиб ўтирмайсиз. Маблагни бир ой давомида қайтарсангиз фоиз тўламайсиз. Муҳими, оилада молиявий тақчиллик сезилмайди.

## Жисмоний шахслар учун очик кредит линияси

Бу кредит линияси мижозга 3 йилга "Револьвер" тартибда 2 йил имтиёзли давр билан ажратилади. Мазкур кредит базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробарига ажратилади. Йиллик 36 фоиз. Кредитнинг афзаллиги шундаки, 3 йил давомида кредит тўлиқ (ёки қисман) қайтарилган тақдирда ундан яна фойдаланиш мумкин ва кредитнинг фойдаланилмаган қисмига фоиз ундирилмайди. Демак, режалаштирилган ишингиз учун бировдан қарз олмайсиз. Кредитдан 4 йил давомида бемалол фойдалана оласиз.



ниш мумкин ва кредитнинг фойдаланилмаган қисмига фоиз ундирилмайди. Демак, режалаштирилган ишингиз учун бировдан қарз олмайсиз. Кредитдан 4 йил давомида бемалол фойдалана оласиз.

## Орзуингиздаги автомашина, автокредит ҳам орзудагидек

"Trade-In" автокредити. Бу автомобиль қизиқувчилар учун жуда яхши янгиллик. "Ўзавтосаноат" АЖнинг расмий диллерларида эски машиналарни янги-сига алмаштириш имконияти яратилганидан хабарингиз бор. Аммо сизда орадаги фарқни тўлашга маблаг етмапти. Худди шу вазиятда сизга мазкур автокредит ёрдамга келади. Гап шундаки, эски автомобиль техник кўриқдан ўтказилиб баҳоланган, "Trade-In" автокредити ёрдамида янги автомобиль нархи ўртасидаги фарқ бўйича шартнома тузилади ва банкда автокредит расмийлаштирилади. Орадаги фарқ суммаси банк томонидан "Trade-In" марказига ўтказилади ва сиз янги автомобилга эга бўласиз. Яна бир яхши томони, бунда сиздан бошлангич тўлов талаб этилмайди.

Мазкур кредит 12, 24 ва 36 ойга берилади ва фоиз миқдори мос равишда 28, 29 ва 30 фоизни ташкил қилади. Гаровга янги автомобилнинг ўзи қўйилади. Авто-

кредитни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳам жуда кам. Мижоз ва унинг паспорти, "Trade-In" маркази ўртасида тузилган шартнома ҳамда кафилик, холос. Қарабсизки, янги автомобиль соҳибисиз.

Мазкур хизмат тўфайли бир қанча ноқулайликларнинг олди олинади. Аввало, сизнинг янги автомобиль сотиб олиш орзуингиз ушалади. Эски автомобилни сотиш учун овора бўлиб юрмайсиз. Бу ишларни ортиқча ҳужжатбозлик ва расмиятчиликлардан холи амалга оширасиз.

"Expat Home" ипотека кредити Халқ банки нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ишлаётган фуқароларимизга ҳам қўлайлик яратишга интиломда. "Expat Home" ипотека кредити шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Яъни ушбу хизмат ёрдамида фуқаро хорижда ишлаб туриб ҳам мамлакатимиздан кредитга уй-жой сотиб олиши мумкин. Мазкур ипотека кредитидан доимий даромад манбаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 60 ёшга бўлган фуқаролари фойдаланиш имкониятига

Реклама ҳуқуқи асосида

автомобиль харид қилиш учун хорижда ишлаётган юрtdошларимиз ҳам йўқ эмас. Аммо уларда ҳар доим ҳам имконият бўлмаслиги мумкин. Яъни кимдир Ўзбекистонга келиб-кетишининг иложи йўқ. Яна кимдир эса етарлича маблаг йўқ. Халқ банки томонидан тақдим этилаётган "Expat Car" автокредитлари бунда жуда қўл келади. Бу орқали хорижда ишлаётган фуқароларимиз ўша ернинг ўзидан туриб кредитга машина сотиб олиши мумкин. Яъни энди хорижда ишлаб, пул йиғиб, узоқ муддат қўтиш шарт эмас. Ҳам ишингизни давом эттириш, машинали бўлиш имкониятига эгасиз.

Автомашина сотиб олиш учун кредит қўйидаги шартларда берилади: кредит муддати 36 ой, имтиёзли даври 1 ой ҳамда бошлангич тўлови умумий сумманинг 35 фоизини ташкил қилади.

## Бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ёхуд Ўзбекистонда нақд пул қандай жўнатилади?

Мамлакатимизда бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга нақд пулни қандай юборишди? Топдингиз. Албатта, таниш ёки нотаниш кирақашлар орқали "почта" қилинади! Аммо бу ҳар доим ҳам ишончли ва тўғри қарор эмас. Жўнатиш пул "качон етиб бораркан", деган хавотирларга Халқ банкининг "UzPay" тизими чек қўядиган бўлди. Чунки банкнинг барча филиалларида мамлакатимиз бўйлаб "UzPay" тизими орқали миллий валютадаги пул маблагларини жўнатиш ва қабул қилиб олиш имконияти жорий этилди. Ушбу тизим орқали Ўзбекистоннинг исталган бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга пул юборишингиз мумкин. Пул ўтказмасининг энг кам миқдори 10 минг сўм, энг юқори қиймати белгиланмаган.

Тизимнинг қўлайлиги нимада? Биринчидан, ишончли. Уртада пуллар йўқолиб қолмайди. Турли хавотирлар ўринсиз. Иккинчидан, тезкорлик. Яъни қаердан юборсангиз, бир зумда олувчига етиб боради. Ушбу ўтказма нақд ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Барча ўтказмалар учун 1 фоиз хизмат ҳақи олинади. Мижоз ушбу ўтказма орқали банкнинг исталган филиалидан маблагларни жўнатиши ҳамда исталган филиалидан олиши мумкин.

Банкоматдан картани тўлдириш Одатда, пластик картадан нақд пул ечиб оламиз. Лекин сизда ортиқча нақд пул бор. Уни аксинча пластик карточкага ўтказиб қўймоқчисиз. Хўш, шунда нима қиласиз? Бирор-бир банкка борасизми ёки бошқа йўли борми? Қисқаси, қўлингиздаги нақд пулнинг пластик картада бўлишини хоҳлаясизми; бунинг ҳам имкони бор. Халқ банкининг "Cash-in" банкоматлари орқали Халқ банки карта ҳисоб-рақамини тўлдиришингиз мумкин. Бунинг учун картани "Cash-in" банкоматига жойлаб, картани тўлдириш тугмасини босиб, картага кириб қилиниши керак бўлган суммани банкоматга киритсангиз кифоя. Бир зумда истагингиз ижобат бўлади.

Қисқаси, бугун Халқ банки мана шундай оддий, лекин замонавий ва талабчи хизматлари билан халқ орасига чуқур кириб борапти. Бу давр талаби. Чунки ҳозир рақобат даври. Мижозлар ва одамлар эҳтиёжи билан ҳисоблаш фаолият юритиш эса рақобатда ютиб чиқишнинг энг устувор вазифасидир.

Юнус БҮРОНОВ,  
Банк Аҳборот хизмати раҳбари.

## ТАДБИР

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" бошқаруви раиси Баҳодир Муллахонов банк тузилмаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ ёш ходимлар билан амалий мулоқот ўтказди.

Банк бошқаруви раиси давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 декабрдаги ёшлар билан учрашуви юртимиз ёшлари ҳаётида туб бурилиш ясаганига эътибор қаратди.

## Таклифлар кўп



Шундан келиб чиқиб, банк ўз тизимида ишлаётган ёш, иқтидорли мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат қилиш ва яшаш шартларини яхшилаш бўйича зарур чораларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, "Ёшлар — келажакимиз" жамғармаси ижрочи директори Хайрулла Сатторов ёшларга оид дав-

лат сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти, яратилаётган шарт ва мавжуд имкониятлар хусусида атрафлича гапирди. "Ёшлар — келажакимиз" жамғармаси томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан иштирокчиларни таништирди.

Узаро фикр алмашиш руҳида ўтган қатор учрашулар натижасида иштирокчилар фаоллиги сезиларли равишда ошганлиги билинди. Ёшларда келажакда яхшигина самара

берадиган таклифлар кўп, шундай экан, унга муносабат ҳам жиддий бўлиши, муносиб таклифлар фақатгина қўллаб-қувватланмай, балки фаолият турига киритилиши лозим.

Жумладан, ёш мутахассислар малакасини ошириш, фаолиятга замонавий технологиялар, илғор хорижий тажрибани қўллаш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, банк активларини бошқаришда юқори даромад олиш асослари каби қатор муҳим йўналишларда 30дан ортиқ таклифлар ўртага ташланди.

Тадбирда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасидаги амалий ишлар сони ва сифатини оширишга эътибор қаратилди. Банк фаолиятини янада яхшилаш борасида янги хизмат турларини жорий қилишга қаратилган таклифларни доимий ўрганиб боришга қелишиб олинди.

Ҳикматулло ҚОДИРОВ.

## САРҲИСОБ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳузуридаги "SQB Insurance" суғурта компанияси раҳбарияти билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## Суғурта бозорига янги қадам

Анжуманда "SQB Insurance" суғурта компанияси бош директори А.Халилов томонидан давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси доирасида "SQB Insurance" томонидан суғурта бизнесига инновацион ёндашиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб ва таклифлари асосида янги инновацион суғурта хизматларини ишлаб чиқиш, бошқаруви ва сотув жараёнларига IT-технологияларини кенг жорий қилган ҳолда миллий суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш йўлида қатор ишлар амалга оширилаётгани айтиб ўтилди.

Тадбирда компания 2019 йил 16 августда умумий суғурта соҳасининг барча 17 класс буйича мажбурий ва ихтиёрий суғурта турларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлганлиги, республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳ-



ридаги филиаллари сони 14 тага етганлиги маълум қилинди.

Аҳолининг барча қатламига мўлжалланган, соддалаштирилган шартларни ўз ичига олган ва энг асосийси, аҳоли учун қўлай нархларда суғурта хизматлари йўлга қўйилганлиги қайд этилди. "Менинг оилам", "Менинг уйим", "Катта уй", "KASKO-PREMIUM", "KASKO-SILVER", "SWEET HOME", "MY CARD" номдаги чет элга чиқувчилар (саёҳатчилар)ни суғурталаш ҳамда жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан суғур-



та қилиш хизматлари шулар сирасига қиради. Бундан ташқари, компания томонидан бошқарув ва сотув жараёнларига IT-технологияларини кенг жорий қилиш, мижозларга замонавий, сифатли ва тезкор суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида "SQB Online" платформаси ишга туширилди. Суғурта хизматларининг "Telegram-bot" орқали ҳам сотуви йўлга қўйилган. Компания ички ва ташқи суғурта хизматлари бозорларида қайта суғурталаш хизматларини ҳам кўрсатиш им-

конига эга. Аини пайтда шу йўналишда 22 та компания билан ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, "СКАЛА брокер" (Россия) ва "MOI Broker" (Козогистон) халқаро қайта суғурталаш брокерлари билан шартномалар тузган. Натижада жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қайта суғурталаш хизматлари бўйича 394 та шартнома имзолаб, 1,4 млрд. сўм ҳажмида суғурта муқофотлари тушуви таъминланган.

Халқаро ҳамкорлик борасида "SQB Insurance", Туркиянинг "REMEDI Assistance" халқаро ассистанс компанияси билан саёҳатчиларни суғурталаш лойиҳаси доирасида иш олиб бормоқда.

Анжуманда ўтган давр мобайнида суғурта компанияси томонидан амалга оширилган ишлар аниқ кўрсаткичлар доирасида ОАВ журналистлари ҳузурида сарҳисоб қилинди.

Ҳ.ХҲҲАҚУЛОВ.



